

2.4.8 Ижарага олинган ёки ўзининг линия иншоотларида авария ҳолатлари ва фавқулодда вазиятлар вужудга келганда албатта Ижарага берувчини хабардор қилиб аварияларни бартараф этиш ва норматив муддатларда хизматларни тиклаш бўйича зарур чораларни кўриш.

2.4.9 Ўзининг телекоммуникация кабелларининг техник эксплуатациясини ўз масъулияти чегаралари доирасида НХ талабларига мувофиқ амалга ошириш.

2.4.10 Ишларни НХ ва ТШ талабларига мувофиқ амалга оширишда ўзига қаршли, атрофдаги ва ижарага олинган линия телекоммуникация иншоотларининг техник ҳолати учун ўз масъулияти чегаралари доирасида жавобгар бўлиш.

2.4.11 Ишларга пудратчи ташкилотлар жалб қилинган ҳолда улар томонидан олинган мажбуриятларнинг бажарилмаганлиги ёки керакли тарзда бажарилмаганлиги учун ўзининг ҳаракатлари учун жавоб берганидек тўлиқ жавобгар бўлиш.

2.4.12 Кабель канализациясини Ижарага берувчига ўзининг номи, жойлашган жойи, реквизитлари ўзгарганлиги тўғрисида 20 кундан ошмайдиган муддатда ёзма равишда хабар бериш.

2.4.13 Шартноманинг амал қилиш муддати тўхтатилганда, агар томонларнинг ўзаро келишувига кўра бошқа ҳолатлар назарда тутилмаган бўлса, ижарага олинган кабель ётқизиш жойларидан кабелларни ўз маблағлари ҳисобидан демонтаж қилиш. Бунда кабель канализациясини демонтаж қилишга қабул қилиш ва демонтаж қилингандан кейин кабель канализациясини топшириш қабул қилиш-топшириш далолатномалари бўйича амалга оширилади.

2.4.14 Ижара ҳақи бўйича қарз бартараф этилганлиги тўғрисида талабга кўра тўлов ҳужжатининг нусхасини тақдим этган ҳолда хабар бериш.

### 3. Ҳисоб-китоблар шакли ва тартиби

3.1 Шартноманинг умумий суммаси: **699 542,01** (Олти юз тўқсон тўққиз минг беш юз қирқ икки сўм 01 тийин) ни ташкил этади.

3.2 Шартнома суммаси 790 метр учун хар ойлик 233 180,67 сўм (**1 км учун хар ойлик 295 165,40 сўм**)ни ташкил этади.

3.3 Шартнома суммаси томонларнинг келишувига кўра белгиланган ва шартнома нарҳини келишиш учун қўшимча баённомани талаб этмайди.

3.4 Ижарага олувчига тақдим этиладиган ҳисоб-фактура Ижарага олувчининг тўлов мажбуриятлари, ижара ҳақини тўлаш муддати, банк реквизитлари, манзили ва етказиб бериш усули кўрсатиладиган ҳисоб ҳужжати ҳисоблан ади.

3.5 Тўлов пул ўтказиш шаклда Ўзбекистон Республикасининг миллий валютаси - сўмда амалга оширилади.

3.6 Ижарага олувчи ойлик ижара ҳақи суммасининг 100 фоизи микдордаги тўловини хар ойнинг 5 санасигача олдиндан амалга оширади.

3.7 Ижара ҳақининг аванс тўловини ижара шартномасининг бутун амал қилиш даври учун тўлашга рухсат этилади.

3.8 Тарифлар ўзгарганда тўлов янги тарифлар киритилган пайтдан бошлаб янгидан тақдим этилган ҳисоблар бўйича амалга оширилади. Ижарага берувчи Ижарага олувчиларни тарифларнинг ўзгарганлиги тўғрисида ёзма равишда огоҳлантиради.

3.9 Ижара ҳақини тўлаш бўйича ҳисоб-китоб қилинадиган давр бир тақвим ойини ташкил этади.

3.10 Ўзаро даъволар ва санкцияларнинг мавжудлиги хизматлар учун тўлов бўйича мажбуриятларни бекор қилмайди ва ўзаро келишмасдан хизмат кўрсатилишини тўхтатмайди.

### 4. Шартноманинг амал қилиш муддати

4.1 Ушбу шартнома уни иккала томон имзолагандан кейин, тегишли молия бўлимининг газначиллик бўлинимасидан рўйхатдан ўтган пайтдан бошлаб кучга кириши ва томонлар учун мажбурий бўлиб, 2022 йилнинг 1 январидан 2022 йилнинг 31 мартга қадар амал қилади.

4.2 Агар ушбу Шартноманинг амал қилиш муддати тугашига 30 кун қолганида томонлардан ҳеч бири ушбу Шартномани тўхтатиш тўғрисида хабар бермаса, Шартнома автоматик равишда кейинги тақвим йилига узайтирилган ҳисобланади. Узайтиришлар сони чекланмайди. Ушбу Шартноманинг амал қилиш муддати узайтирилганда Ижарага берувчи Ижарага олувчини